



Ishonch

Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсияси газетаси

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

http://www.ishonch-doverie.uz

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan

2012-yil 24-aprel № 50 (3087) seshanba

Янги кун янгиликлари

«Хива Лендер Сервис» шўба корхонаси фаолият бошлаганига эндигина бир йил бўлди. Бироқ шу қисқа муддат ичида корхона томонидан амалга оширилган бунёдкорлик ишлари таъсирчан сазовордир.

Шахримизни беэётган бинолар

Жумладан, Урганч шаҳри маркази, Ал-Хоразмий кўчасидаги янги замонавий биноларни қуришда корхона жамоаси фидокорона меҳнат қилиб келмоқда. Кун сайин қад кўтарётган биноларни қўриб, уларнинг битишини интиқлик билан кузатиётган шахарликлар қурувчилардан мамнун. Баҳор келиши билан жамоадаги қурувчилар иш суръатини янада жадаллаштиришди.

Зулфия ИСАЕВА, Хоразм вилояти КУТВ маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими етакчи мутахассиси

Балиқ йили балиқчилиги

Хатирчи туманида парҳез таом саналиши балиқчиликка эътибор йилдан йилга ортиб бормоқда.

Соҳа ривожига доир янги суперинтенсив усулда балиқ етиштириш лойиҳаси тўзиб чиққан «Kamolot-fist-Toir» масъулияти чекланган жамияти мутахассислар томонидан истиқболли деб топилди. Акционерлик тижорат «Агро-банк»нинг вилоят филиали томонидан жамиятга 50 млн. сўм кредит ажратиб берилди.

Мансур АЛОВУДИНОВ

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси Кумкўрғонда ҳам жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда.

Кумкўрғонликлар шижоати

Шу йилнинг ўзида бу соҳада 29 та лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган. Эзгу ишларга 500 млн. сўмлик маблағ йўналтирилади. Бунинг 356 млн. сўмини тумандаги давлат тижорат банклари кредитлари ташкил этади. Мухими, бунинг натижасида 128 та янги иш ўрни яратилди.

Белгиланган лойиҳаларнинг 8 таси йил бошидан оғамалга оширилганини алоҳида қайд этиш жоиз. Жумладан, «Гултепа» ва «Оқсой» маҳалла фуқаролар йиғинлари худудда яшовчи тadbиркор Тангир Ҳақимов, Эркин Муиновлар кондитер савдо дўконларини очди. «Жилвадор Сурхон» хусусий корхонаси компьютер, принтер, сканер таъмирлашни йўлга қўйди. Натижада, 38 та янги иш ўринлари яратилди.

Ўз мухбиримиз

Хавф бартараф этилмоқда

Фаргона вилоятида сел-тошқинлари хавфини бартараф этиш мақсадида хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Бунинг учун 11 та кузатув-назорат маскани ташкил этилди. 22 та сел хавфи бор жойларни табиий офатдан муҳофаза қилишга 564 миллион сўм маблағ ажратилди.

Ўз мухбиримиз



Суратда: ИИВ ходими Олимжон Нуралиев оиласи билан.

2012 ЙИЛ — МУСТАҲҚАМ ОИЛА ЙИЛИ

Ҳар бир оиланинг ўзига хос қонун-қоидалари, анъаналари, чегараси, яшаш тарзи бор. Лекин ўзбек оилаларини бирлаштирадиган умумий бир нуқта мавжудки, бу тўй маросимларидир...

Тўй тўйдек бўлсин

Токи, унинг ҳеч кимга оғирлиги тушмасин

Ҳаммаимиз биламиз, оила қурилиб биринчи фарзанд кўрилдими, тўйга тайёргарлик ҳаракати бошланади. Ота ҳам, она ҳам топганини «тўй» учун дея йиғишга тушишади. Бобо-бувиларни-ку қўяверинг... Хуллас, оиланинг топан-тутгани биринчи галда бўлажак тўйларга сарфланиши мақсад қилиб қўйилади. Илло, бу хайрли ниёт халқимизнинг энг аjoyиб анъаналаридан бири. Лекин шу гўзал орауға бола-чақанинг ризқини қийиш, уларни бирор нарсага муҳтож қилиш эвазига эришилса-чи? Мустаҳқам оила йили муносабати билан шу мавзуда ёшиш ниятими борлигини Ўзбекистон халқ шоири Охунжон Ҳақимовга айтган эдим, у киши ўйлаб қолди.

— Яхши мавзу, — деди у бироз муддатдан сўнг, — бу борада жуда кўп ижодкорлар қалам суришган. Узим ҳам ўтган асрнинг 60-йилларида бундай маросимлардаги муаммолар ҳақида «Тўйларимиз ҳақида ўйларимиз» сарлавхали мақола ёзганман. Бу мақола республиканинг ўша пайтдаги бир газетасида босилиб чиққан ва анча-мунча мулоҳазаларга сабаб бўлганди...

Ҳа, ўзбек тўйларидаги ортиқча сарф-харажат, ўртача оила белини букиб қўядиган, аслида жондорига сариқ чақалик фойда бермайди бундай удумлар зарари ҳақида кўп ёзилган. Ўзбек зиёлилари бу ҳақида бир асрдан бундан кўп ўйлашди. Ўтган асрнинг 20-50 йилларида маълум сиёсий-иқтисодий танглик боис бу масала халқимиз эътиборидан бироз четта чиққан эди. Эл-юрт ҳаёти бироз изга тушгач, яна ўша машамалар бошланди. Тарихга чуқурроқ назар солсангиз, газета ўқишга пул сарфламайдиган, аммо ҳафталаб юртга ош бериб, саноксиз ақчаларни кўкка совиришдан завқ оладиган бойлар ҳақида кўп ва хўп ёзилган. Кимсан Худойрхон ўз ўғилларига... оилаб давом этадиган хатна тўйлари ўтказгани, бу тўйларда ботмонлаб гуруч дамланиб, ош тортилгани, саноксиз тўй совгалари улаштилганини манбалардан ўқиганимизда, таажубланганмиз. Унинг аёнлари, мамлакат боёнлари ҳам бу борада хонга эргашганлар... Холбуки, ўша даврда руслар қилич яланғочлаб, чегарадан ичкарига ўтишган, мамлакат тақдирини хавф остида эди.

Соҳибқирон Темир икки-уч нафардан ортиқ невараларини бир кунда, битта тўй қилиб ўйлагани, маросимларни шаҳар ёки мамлакат бўйлаб байрамга айлантмасдан Қонилгул водийсида қариндош-уруғлар ва сарой аёнлари доирасида камтарона ўтказгани маълум-ку!

Истиқлолдан кейин аҳоли ўртасида ортиқча дабдабозлик, исрофгарчиликка уруғ берилган тўйлар бирмунча камайди. Бу борада бутун мамлакат миқёсида аҳоли қатлами ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилганини таъкидлаш лозим. Айниқса, 1998 йил 28 октябрдаги «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака маросимлари, марҳумлар хотирасига бағишланган тadbирларни тартибга солиш тўғрисида» Президент фармони билан «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамағатлари, шаҳар, туман ҳокимликлари, хотин-қизлар кўмиталари, бошқа жамоат ташкилотлари томонидан оммавий ахборот воситаларида бу борада кенг қўламли тарғибот-ташвиқот тadbирлари амалга оширилди. Фаргона водийсида илгарилари 3-5 кўлаб давом этадиган суннат тўйлари энди бир кунда ўтказиладиган бўлди. Кенг, ҳар тарафлама қулай тўйхоналарнинг қурилиб, ишга тушурилиши натижасида маросимларни ўтказиш қулай, замонавий, камчилик тус олди. Айни қулларда Фаргона вилоятида 100 дан ортиқ шундай тўйхоналар фаолият кўрсатпти.

Ҳозирги пайтда вилоят шаҳар ва қишлоқларида ўтказиладиган барча тўйларда наҳорги ош тортиш одат тусига кирган. Бу албатта, эрталаб хизматга борадиган одамларга қулай, тўй оғаларини таъриқлаб, бир пиёла чой ичган, бемалол ишга кетишлари мумкин. (Давоми 3-бетда).

Кучли ижтимоий сиёсат Президентимиз Ислам Каримов томонидан мустақил давлатимизни барпо этишда асос қилиб олинган энг муҳим тамойиллардан биридир. Мустаҳқам оила йилида бу борадаги ишлар кўлами тобора кенгаймоқда.

Ёш оилаларга янги уйлар

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 27 февралда қабул қилинган «Мустаҳқам оила йили» Давлат дастури тўғрисида» ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимида ҳам илчил ишлар амалга оширилмоқда. Ёш оилаларнинг ижтимоий ҳимояси янада кучайтирилиб, замонавий уй-жой билан таъминланмоқда.

Соҳа ходимларидан яна 36 нафари пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек туманида жойлашган кўпқаватли уйга кўчиб ўтди. Шу муносабат билан ўтказилган

тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирини, генерал-лейтенант Б.Матлубов мамлакатимизда аҳоли манфаатларини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган илчил ишлар натижасида ёш оилалар турмуш фаровонлиги тобора юксалаётганини таъкидлади.

Ватан, халқ тинчлиги, ошйишталиги ва равнақи йўлида хизмат қилаётган ички ишлар идоралари ходимларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, меҳнатини рағбатлантириш масаласига ҳам давлатимиз томонидан доимий

эътибор қаратиб келинмоқда.

— Мустаҳқам оила йилида янги уйга кўчиб ўтганимиз оиламиз қувончига-қувонч қўшиди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги катта тезкор вакили Сардор Расулов. — Бундай эътибор ва ғамхўрлик биз, ички ишлар ходимларига эл-юртимиз тинчлиги йўлида янада фидойиллик билан меҳнат қилишдек улкан масъулият ҳам юклайди.

Н. АБДУРАИМОВА, ЎЗА МУХБИРИ. Асқар ЁҚУБОВ (ЎЗА) олган суратлар

КАСАБА УЮШМАСИ НАЗОРАТ ҚИЛАДИ

Даъво аризаси қондирилди

Жиззах вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши «Учтепа пахта тозалаш» ОАЖ устидан фуқаролик ишлари бўйича Дўстлик туманлараро судига даъво аризаси киритди.

Гап шундаки, корхонанинг Арнасой туманига кўчиши ҳамда штатлар қисқарганлиги муносабати билан ОАЖ раҳбарининг бир қатор буйруқларига қўра, 2011 йилнинг ёз-кўз ойлари давомида Ҳ.Тўрақулова, К.Ялғашева, Б.Мелиев, Б.Қуванова, Б.Мансуров, Ф.Тўрақулова каби 30 нафар ходим ишдан бўшатилган. Иш берувчи мазкур буйруқларга вилоят ҳокимининг қарори, ҳиссадорлик жамиятининг 2011 йил 23 мартдаги йиғилиши баёни, «Жиззахпахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмасининг буйруғи ҳамда Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми, 1-бандини асос қилиб олган.

Бироқ, корхонанинг жамоа шартномасида «Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш фақат касба уюшма қўмитасининг олдиндан розилигини олиб амалга оширилади» дея белгиланган

қўйилган. МҚнинг 101-моддасида бундай розиликни олмай туриб шартнома бекор қилишга йўл қўйилмаслиги таъкидланади. Ходимларнинг меҳнат шартномасини бекор қилиш жараёнида эса корхона раҳбари А. Чиманов бу талабларга риоя этмаган. Бундан ташқари, судда у кўчиш бўйича ишчи комиссиясининг 1-сонли йиғилиши баёни ҳамда штатлар ўрни қисқарганлиги ҳақида тасдиқланган жадвалини тақдим қила олмади.

Натижада, суднинг ҳал қилув қарори билан ходимлар ишга тикланди. Маҳбурий бекор юрган кунлари учун 34 854 521 сўмлик иш ҳақи ҳамда ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақи миқдорига маънавий зарар ундирилди. Боз устига, корхона ҳисобидан давлат фойдасига 6 785 399 сўм давлат божи ҳам ундирилмаган бўлди.

А. АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК ТАМОЙИЛИ — АМАЛДА

Аҳолининг турмуш фаровонлиги, истиқбол учун ҳар бир жамоа, ҳар бир киши ўз ҳиссасини қўйиши ҳам фарз, ҳам қарз, деб ўйлайман. Жумладан, Бухоро вилоят ҳокимлиги, Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси ва касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ўртасида 2010-2012 йилларга муъалламан ижтимоий-иқтисодий масалаларга она келишув савобли ишларни амалга оширишда муҳим қалам бўлади.

Ҳамкорлик имкониятлари

Келишувнинг асосий йўналиши меҳнаткашларга ишлаб чиқаришда тегишли қулай шароитлар яратиш бериш, иш самарадорлиги ва сифатини ошириш, даромадларини кўпайтириш, саломатлигини муҳофаза қилиш каби омиллар орқали турмуш даражасини яхшилашга қаратилган.

Келишув доирасида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида маҳаллий бюджетдан 2 ёшга-ча болалари бўлган ишламайдиган оналарга 2,5 млрд., кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам пули ҳисобига 3,7 млрд., яқка-ёлғиз қарияларга озиқ-овқат

маҳсулотлари етказиб бериш орқали 8,6 млрд. сўм маблағ сарфланди. 26062 нафар 1-синф ўқувчисига ўқув қуроллари ва анжомлари, 37626 нафар кам таъминланган оила болаларини кийим-бош билан таъминлаш чоралари кўрилди.

Ҳеч кимга сир эмаски, меҳнат бозорига янги иш ўринлари яратишга талаб ҳаминча юқори. Тенг шароитларда рақобат қила олмайди, ижтимоий ҳимояга муҳтож 6041 нафар фуқаро квоталаштирилган иш ўринларига жойлаштирилди. Мулкчиликнинг барча кўри-

нишларидаги корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларига нисбатан «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун талаблари бажарилишининг назорати кучайтирилгани боис ишлаб чиқаришда меҳнаткашларга тегишли шарт-шароитлар яратиб берилиши сезиларли яхшиланди.

«Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида»ги ҳамда «Болалар меҳнатининг оғир шакллари таъқиқлаш ва йўқ қилишга доир шўшланич тadbирлар тўғрисида»ги Конвенцияларни амалга ошириш борасида вилоятнинг қатор корхона ва ташкилотларида олиб борилган ишлар ўрганиб чиқилди. Ўрганилган корхоналарда ушбу конвенциялар ва «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун талабларига зид равишда болалар меҳнатидан фойдаланиш ҳоллари аниқланмади.

Ҳамкорликдаги ҳаракатларимиз давом этмоқда. «Мустаҳқам оила йили» Давлат дастури доирасида белгиланган олдинги уч томонлама келишувнинг чора-тadbирларини амалга ошира бориб, меҳнаткашларни ҳар томонлама ҳимоялашда барча имкониятлар ишга солинмоқда.

Ғанижон ЖУМАЕВ, Савдо-саноат палатаси Бухоро вилоят бошқармаси бошлиғи

Касаба уюшмалари меҳнаткашлар ҳамкори ва таянчи

Корхонамиз касаба уюшма кўмитаси жамоа шартномаси асосида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишларни амалга ошириб келмоқда.

Ишончли кафолат

Айни пайтда таркибда 24 та цех касаба уюшма кўмиталари мавжуд бўлиб, уларда 4560 нафар касаба уюшма аъзоси бор.

Жамоа шартномасининг ижтимоий имтиёзлар бўлимида кўрсатилган барча талаблар тўлиғича бажарилаётди. Жумладан, 8 март байрами муносабати билан 403 нафар хотин-қиз, 175 нафар нафақадаги аёл рағбатлантирилди.

116 нафар ходимга нафақага чиқиши, 202 нафар ишловчининг яқин қариндоши вафот этганлиги муносабати билан, 218 нафар ходимга иқтисодий аҳоли оғирлиги ҳисобга олиниб, 400 нафар ходимни соғломлаштириш ҳамда 111 ёш оилага никоҳ тўйлари муносабати билан моддий ёрдам кўрсатилди.

Бундан ташқари, корхонамиз оталиғидаги Китоб Меҳрибонлик уйининг 120 нафар тарбияланувчиларига ҳам мунтазам равишда ижтимоий-иқтисодий кўмак кўрсатиб келинмоқда.

Барча ишлаб чиқариш тармоқларида Мазнавият ва маърифат хоналари мавжуд бўлиб, улар зарур адабиётлар, журнал ва газеталар билан таъминланган. Бир сўз билан айтганда, ишчи-хизматчилар билим

ва дунёқарашларини бойитишлари учун барча шарт-шароит мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» деб номланган маърузаси ҳамда 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йўл бўлади» деб номланган маърузаси видео нусхалари кўпайтирилиб, барча мажмуа ва конларга етказилди. Уларнинг намойиши таъминланиб, ишчи-ходимлар ўртасида кенг тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди.

Корхона тизимидаги кон ва цехларда вахта услубида ишловчи ишчи-ходимларнинг овқатланиш ҳисоб-китобларини алоҳида пластик картотка орқали амалга ошириш тартиби ишлаб чиқилиб, жамоа шартномасига тегишли ўзгартиришлар киритилди. Олиб келинадиган маҳсулот-

ларнинг сифати яхшиланиб, тайёрланаётган таомларнинг тўйимлилиги эришилди.

Ишчиларнинг ишдан бўш вақтларида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишларини ташкил қилиш мақсадида жойлардаги мавжуд спорт майдончалари таъмирланиб, керакли анжомлар билан таъминланди. Барча кон ва цехларда футбол, волейбол, шахмат, шашка, миллий кураш мусобақалари ўтказилиб келинмоқда.

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг спартакиадасида корхонамиз терма жамоаси мунтазам равишда иштирок этиб, совринли ўринлардан жой олиши аёнанага айланган.

Ўтган йили тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгашининг қарорига асосан етти хазинанинг бири бўлган паррандачиликни ташкил қилиш мақсадида кўмитамизга 20 млн. сўм маблағ ажратилган эди. Шунга қўра, касаба уюшма кўмитаси қошида «Карниш-Мега» шўба корхонаси ташкил этилди ва тўртта янги иш ўрни яратилди. Жўжа сотиб олинди, парвариши йўлга қўйилди. Натижанда ўтган йилда 2038 килограмм парранда гўшти тайёрланди.

Хозирда 500 та товуқ боқилиб, қунига 450 дона тухум олинмоқда. Бу маҳсулотлар эрзон нархда корхонамиз ишчиларига етказиб берилмоқда.

Шароф РАХМАТОВ,
«Муборакнефтьгаз» унитар шўба
корхонаси касаба уюшма
кўмитаси раиси

Жамоа шартномаси ижроси билан кучли

Маълумки, жамоа шартномаларининг тайёрланишидан бошлаб, ижросини назорат қилишга бўлган жараён бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Чунки меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоялашда ушбу ҳужжат ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис Республика транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши жойларда жамоа шартномалари тузиш ҳамда ижросига бағишланган семинарлар ўтказишни режалаштирган эди.

Тошкент шаҳар тармоқ касаба уюшмаси кенгаши томонидан пойтахтимиздаги «12-трест» ОАЖда ўтказилган тадбирда ҳам жамоа шартномасининг бажарилиши атрафлича муҳокама этилди.

— Тармоғимиздаги ташкилотларнинг деярли 95 фоизини нодавлат корхоналар ташкил этади, — деди тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши бўлим мудири Мамлакат Абдумаликова. — Шундай экан иш берувчи ҳам, ёлланма ишчи ҳам масалага ўз манфаати нуқтаи назаридан ёндашади. Ана шу манфаатларни уйғунлаштиришда жамоа шартномаларининг ўрни алоҳида.

Жумладан, иш ҳақи таркибиде турли устама, қўшимча ҳамда компенсация тўловлари мавжуд. Ушбу тўловларни иш берувчи асосланмаган ҳолда олиб ташламаслиги учун бу жамоа шартномасига киритилиши, ойлик иш ҳақи Низомида аниқ кўрсатиб қўйилган бўлиши зарур. Шунингдек, касаба уюшма ташкилоти корхонада канча аёл, ёш оилалар, пенсияга чиққан ва ёрдамга муҳтож шахслар борлигини ҳам муттасил таҳлил этиб, уларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб бориши зарур.

Тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши ижтимоий шериклик тамойилига ҳам алоҳида эътибор қаратган. Жумладан, «Узқурилишматериаллари» АҚ, «Узмахсусмонтаж-қурилиш» асоциацияси, Ўзбекистон архитектура ва қурилиш Давлат кўмитаси, «Узавтойўл» ДАҚ, Ўзбекистон автомобил ва электр транспорти агентлиги каби нуфузли ташкилотлар билан ижтимоий масалалар бўйича тармоқ келишувлари тузилиб, улар корхоналарда жамоа шартномалари орқали амалга оширилипти.

— Жамоа шартномаси тўлақонли ижроси билан кучли, — деди «12-трест» ОАЖ касаба уюшма кўмитаси раиси Рустамбек Бурҳонидинов. — Айни вақтда қурилиш ташкилотимизда ўртача ойлик 789 минг сўмни ташкил этади. Шунингдек, жорий йилда махсус кийим-бош, шахсий ҳимоя воситалари ҳамда пойбозал учун 220 миллион сўм малағ сарфлашни режалаштирганмиш. Шу қунарда жамоатчилик асосида сайланган 48 нафар вакил меҳнат муҳофазаси талаблари тўғрисида бажарилишини назорат қилиб боришмоқда.

Қатнашчилар уларнинг қизиқтирган саволларга атрафлича жавоб олишди.

Н. РАФИКОВ

Энг обод ва кўркам

ЎЗКУФКнинг аҳоли томорқа ерларидан фойдаланиш ва улар учун қулай шарт-шароитлар яратишни ташкил этиш борасида касаба уюшма ташкилотларининг фаол иштирокини таъминлаш тўғрисидаги қарори ижроси юзасидан туман ҳокимлиги билан яқин ҳамкорлик ўрнатилди.

Туманимизда шахсий ва дала ҳовлилардаги томорқа бугунги кунда 825 гектарни ташкил этади. Жорий йилда 404 гектарга сабзавот, 129 гектарга полиз, 99 гектарга картошка, 70 гектарга озуқа, 123 гектарга мойли ва бошқа экинлар экилиши режалаштирилди.

Томорқадан янада унумли фойдаланиш, ҳосилдорликни ошириш, ободлик ва кўркамлик ҳаёт тарзимизга айланишини тарғиб этиш мақсадида туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими билан тармоқ бирлашган касаба уюшма кенгаши ҳамкорликда «Энг обод ва кўркам ташкилот» кўрик-танловини ўтказмоқда.

Унда 18 та мактаб, 2 та мактабдан ташқари, 2 та мактабгача таълим муассасалари билан бирга, тармоқда фаолият кўрсатаётган барча касаба уюшма аъзолари ҳам фаол қатнашапти.

Кўрик-танловда иссиқхоналар ташкил этиш, бўш ерлардан унумли фойдаланиш каби йўналишлар ҳам эътиборга олинди. Туман маорифчилари ҳозиргача беш гектар ташландиқ жойни ўзлаштириб, «Баркамол авлод» боғини ташкил этишди.

Х. МУҚИМОВ,
Янгиобод туман таълим,
фан ва маданият ходимлари
бирлашган касаба уюшма
кенгаши раиси

Тошкент шаҳридаги туризм касб-хунар коллежининг муҳташам зали талабалар ва меҳмонлар билан тўлди. Тантана бошланганидан дарак берган дилрабо куй таралди. Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгашида тузилган хотин-қизлар билан ишлаш комиссиясининг «Мустақкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган «Соғлом она — соғлом фарзанд» мавзусидаги тадбири ана шу тарзда бошланди.



Боланинг ҳаммаси яхши

— Жорий йилда ўқув муассасаларида ўқийдиган 5 нафар талабага стипендия ажратилди, — деди Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси ўринбосари Бўритош Шодиева. — Савобга йўрилган ишлар бундан кейин ҳам давом этади. Ушбу коллеж ҳам эътиборимиздан четда эмас. Бошланғич касаба уюшма кўмитаси билан ҳамкорликда истақ билдирган ўқитувчи ва талабаларни муқаддас қадамжоларга, жумладан, тарихий шаҳарларга саёҳат қилдириш ниятимиз бор.

Хаваскор раққосалар саҳнани тўлдириб, жaxon халқлари рақсларидан ижро этишди. Қўшиқлар қуйланди.

Коллеж ўқитувчиси (руҳшунос) Зилола Тошмухамедова ўтказган тренинг, айнқиса, қизиқarli бўлди. Иштирокчилар «Тажовузкор шахс» мавзусида фикр юритишди. Кейин «Одам савдоси»га доир саҳна кўриниши намойиш этилди.

— Қуш уясида кўрганни қилади. Тарбиянинг аввал боши оилага, сўнг эса ўқув муассасасига, бола тушган

муҳитга боғлиқ. Ёмон боланинг ўзи йўқ, — дейди ўрта махсус касб-хунар таълими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти қошидаги ижтимоий психологик хизмат маркази раҳбари Шаҳзода Шуккурова. — Агар уларнинг тўғри шаклланишига кўмаклашсак, ўсимирлик даврида кўнгилларига йўл топиб, иқтидорини тўғри йўналтириб билсак ва ҳаётнинг катта йўлига олиб чиқа олсак, демак, кўзланган мақсадга эришамиз.

Коллеж талабалари спортнинг оид машқларни маҳорат билан ижро этишди.

— Республика миқёсидаги мусобақаларда қатнашиб, голиблик шохсуласига чиқдим. Осие чемпионати ҳам менга омад келтирди, — дейди кикбоксинг устаси Умиджон Абдуллаев. — Эндиликда жaxon чемпионатларида қатнашиш иштиёқидаман. Айни пайтда анча-мунча шогирдларим бор. Дарсдан бўш пайтларимда улар билан шуғулланипман.

— Коллежимизда 2500 нафар ўқувчи таҳсил олади. Улар орасида

тарбияси оғир болалар ҳам етарли. 19 нафар чин етим, 3 нафар «Сен етим эмассан» фонди йўлланмаси билан келган ўсимир бор. Ана шундайларга кўпроқ эътибор қаратганмиш, — дейди бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси Ирисой Юстооева. — Кам таъминланган оила фарзандларидан айримлари ҳар ой йўл чиптаси олиб бериляпти. Маърифий масканларга саёҳат қилиш учун ўқитувчи ва ўқувчиларга бепул таклифнома тарқатилмоқда.

— Вояга етмаганларни тарбиялаш ҳар биримизга катта масъулият юклайди, — деди коллеж хотин-қизлар кўмитаси раиси Маҳмуда Хўжаева. — Маънавият-маърифат ишлари бўйича раҳбар ўринбосари М.Хасанова ва касабакўм И.Юнустоева билан ҳамкорликда турли тадбирлар ташкил этаётимиз. «Огоҳлик — давр талаби», «Одам савдоси — аср балоси» мавзусидаги учрашув ва мулоқотлар ана шу мақсадларга йўналтирилган.

Шарофат НОРҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

Беминнат кўмакдош

«Жамоадаги аҳиллик, уюшқоқлик, мақсад йўлидаги ҳаракатга касаба уюшмаси катта қўлаш қўшди». Бу эътирофни Самарқанд туманидаги «Абдурауф Давронов» номи фермер хўжалигида эшитгандик. Бунинг қарангки, ана шу жамоа вилоят фермерлари орасида биринчи бўлиб бошланғич касаба уюшмасини тузди. Унга ишчи Умида Ражабов етакчи этиб сайланди.

Далада ишловчилар манфаати шу кундан эътиборан жамоат ташкилоти назоратига олинди. Хўжаликда моддий манфаатдорлик кескин ошди. Меҳнат таътили жадвали ишлаб чиқилиб, ходимларнинг дам олиши ташкил этилди. Мўъжаз ва шинам дала шийони барпо этилди ва касабакўмга алоҳида хона ажратилди. Дам олиш, ювиниш хоналарида рисоладагидек шароит яратилди. Айни пайтда намунали бошланғич ташкилотлардан бирига айланган касаба уюшмаси меҳнат қонунларида кўзда тутилган барча имтиёزلарни амалиётга татбиқ этаётди.

— Фермер хўжаликларида касаба уюшма ташкилотини тузиш бўйича изчил фаолият юритяпмиш, — дейди Агрисаноат мажмуи ходимлари Самарқанд вилоят кенгаши бўлим мудири Садриддин Аслидинов. — Жомбой туманида шунга доир тадбир ўтказилди ва тумандаги барча фермерлар, касаба уюшмалари туман кенгаши раислари тақлиф этилиб, касаба уюшма афзалликлари хусусида фикр юритилди. «Тўйчи бобо» фермер хўжалиги раҳбари Эшўлпат Тўйчибоев ўз хўжалиги бошланғич касаба уюшма кўмитаси тажрибаси ҳақида сўзлади.

— Фермер ҳамиша ҳам ишчининг аҳолидан бохабар бўла олмайди, — деди у. — Бунинг боиси уззукун дала омушларидан ортмайди. Ана шундай пайтда бошланғич касаба уюшма етакчиси унга кўмакдош бўлади.

Айтганча, шу кун мазкур тумандаги «Наймантепа тараққиёти», «Қаҳрабо янтар» масъулияти чекланган машина-трактор парклари ҳудудларидаги фермер хўжаликларида ҳам бошланғич касаба уюшма ташкилотлари тузилди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

500 хонадонга барака кирди

«Мустақкам оила йили» Давлат дастурини бажариш мақсадида изчил фаолият юритилаётди.

— Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ажратган 150 млн. сўмга Узун туманидаги «Галинар» хусусий паррандачилик фирмасидаги «Хай-лайнбраун» навли товуқдан 10 мингтадини харид қилиб, кам таъминланган 500 та хонадонга 20 тадан тарқатдик, — дейди Сурхондарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси А.Аҳмедов.

— Ана шу товуқдан биз ҳам олдик, — деди Кумқўрғон туманидаги «Янгер» шаҳарчаси фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Берди Назаров. — То-вуқлардан қунига 15-20 тадан тухум олапмиш. Бир сўз билан айтганда, рўзгоримизга барака кирди.

Р. ДАВЛАТОВ

Доимий комиссиялар эътиборда

Касаба уюшмалари қошида фаолият кўрсатаётган доимий комиссиялар аъзоларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда катта аҳамиятга эга бўлиб, бу эса фаолиятни мунтазам равишда такомиллаштириб боришни тақозо қилади.

Яқинда вилоят, шаҳар, туман бирлашган касаба уюшма кўмиталари қошида фаолият кўрсатаётган Меҳнат муҳофазаси ва ҳуқуқий масалалар ҳамда Молиявий интизом ва соғломлаштириш масалалари бўйича комиссия раисларининг ўқув-семинари ўтказилди.

Ўқув-семинар иштирокчилари Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китоби

мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг V Қурултойи, касаба уюшмаси Устави, Ҳаракат дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда касаба уюшмаларининг вазифалари ҳамда аъзоларнинг меҳнатга оид ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши, аъзолар бадалларининг тақсимланиши, ижтимоий сўғурта бюджети маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, ижтимо-

ий шериклик тўғрисида малакали му-тахассисларнинг маърузаларини тинглаб, музоқораларда қатнашдилар.

Албатта, ҳар қандай билим амалиётда синовдан ўтади. Тингловчилар амалий машғулотда Шовот туман бирлашган касаба уюшма кўмитаси қошидаги доимий комиссиялар ҳамда бизнинг иختисослаштирилган мактаб-интернат бошланғич касаба уюшма ташкилоти иш тажрибаси билан танидилар.

Доимий комиссия раислари — Маъ-мун Академияси илмий котиби бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси Машариф Абдуллаев, Қўшқўпир туман 4-сон иختисослаштирилган мактаб ўқитувчиси Ринат Отажонов, Янги-бозор туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими методисти Гаибназар Давлатов касаба уюшма кўмиталари қошидаги доимий комиссиялар иш самарадорлигини ошириш бўйича тақлиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Фахриддин НАВРЎЗОВ,
Шовот туманидаги 1-ихтисослаш-
тирилган мактаб-интернат ўқитув-
чиси, касаба уюшма
кўмитаси раиси

Қадимий Бухоро замини Имом Бухорий, Ибн Сино ва Абу Бакр Наршахий каби алломаларга, буюк тариқат пирлари — Абдухлоққ Фиждунвий ва Амр Кулод, Ориф Ревгарий ва Маҳмуд Фағнавий, Али Ромитаний ва Бобойи Самосий сингари азиз-авлиёларга бешик бўлгани билан ҳам бутун дунёга маълум ва машҳурдир. Ислои КАРИМОВ



КАСАБА УЮШМА ВА ТУРИЗМ

бўлганимда, ким билсин, ҳар бир зиёратгоҳа боргунча анча машаққат чекишимга тўғри келармиди?

— Зиёратчиларимизнинг юзига пайдо бўлган мамнуниятни, аждодларимиз куриб кетган биноларга ҳайрат ва ҳурмат билан боқишларини кўриб қувондим, — дейди ИТЧС ва ХКТ касаба уюшма раиси Равшан Абдуқодилов. — Аслида мақсадимиз ҳам ана шу эди. Чунки ҳеч бир инсон ўз юртини, аждодларини билмай туриб, ўзلىгини таний олмайди.

Лаби Ҳовуз ансамбли. Шаҳардаги энг катта сув ҳавзаси Бухоро марказидаги Лаби Ҳовуз (ҳовуз лабида) деб ном олган яна бир катта ансамбл курилиши учун асос бўлиб хизмат қилган. Тўғри бурчли ҳовуз (қирқ олтига ўттиз олти метр) шарқдан ғарбга қараб чўзилган. Унинг соhilлари сағримтир оҳақтошнинг яхлит блокларидан қилинган погонали (сувага тушиш учун) зинапоя билан безалган. Қадимда бу ерда ширинликлар, қанд-қурс, нон, тайёр таомлар сотиладиган «чой бозори» жойлашган. Соҳилдаги шинам чойхонада ҳозир ҳам ширинликлар тановул қилиб дам олиш мумкин.

Нодир Девонбег хонақоси. Лаби Ҳовузнинг ғарбий томонида Нодир Девонбег хонақоси (1619-20-йиллар) жойлашган. У катта, кўп хонали иморатдир, ён томонларида чўқур бўлмаган таҳмонлари бор. Марказида эса гўмбазли бўлмаси (томонларининг умумий узунлиги 11,2 метрча келди) мавжуд. Бино бурчларидан ҳужралар ўрин олган.

Баҳоуддин Нақшбанд. Ҳазрат Баҳоуддин Бухоро яқинидаги Қасри Хиндунда туғилган. Кейинчалик бу зот баракотидан Қасри Хиндун Қасри Орифонга айланган.

Нақл қилурларки, Ҳазрат Баҳоуддин кўчада бир дарвешни кўрдилар. У кўйидаги байтни ўқиди: Некувино дўст дорад ҳар ки бошад дар жаҳон, Гар бадонро дўст дори гўй бурди аз миён.

Мазмуни: Яхши кишиларни ҳамма ҳам дўст тутди, лекин агар сен ёлми кишиларни дўст қилсан (яъни уларни ўзинга яқинлаштириб, яхши йўлга бошлай олсанг) ютқ эгаси бўласан. Ҳазрат Баҳоуддин дедиларки: «Мен учун бу байт сабоқ бўлди ва барча дарвешларга мазкур байтни ёлдамоқни буюрдим».

Юртбошимизнинг сая-ҳаракати билан 2003 йил Ҳазрат Баҳоуддин зиёратгоҳлари янада обод, файзли мажмуага айлантирилди. Орада боғ, гулзор барпо бўлган.

Чор Бакр ёдгорлиги (XVI аср). Чор Бакр қадамжоси тарихийга кирувчи барча иншоотлар тарихий машҳур Жўйборийлар насли билан боғлиқ бўлиб, мазкур ёдгорлик ҳам улар учун алоҳида иззатга сазовор авлиё имом Абу Бакр қабри ёнида барпо этилган.

«Сафар қилинлар, соғлом бўласизлар ва ризқланасизлар», дейлади ҳадисда. Дарҳақиқат, сафар инсонга ўзининг қимлигини ва қимларини авлоди эканлигини ҳам ёдга солади. Узини таниган инсон эса ҳеч қачон ортга чекинмайди.

Назира БОЙМУРДОВА, «Ishonch» мухбири. Муаллиф олган суратлар

Азалдан оламда

МАШҲУР БУХОРО!



Бугун ана шу шаҳарга бутун дунёдан келаятган сайёҳлар оқимини кўриб, шоирнинг қўйидаги мисраларида жон борлигига имон келтиради: Бизни ёдга олганнинг замони обод бўлмай, Мақони обод бўлмай, жаҳони обод бўлмай. Не экса ўриб олмай ўшами одам, бешак, Бизни ёдга олганнинг хирмони обод бўлмай! Ҳар қандай ободлик кўнгилдан бошланади. То кўнгил обод бўлмас, бундай ҳашаматли, бундай кўркам, бундай салобатли, бундай файзли мажмуани биро қилиб бўлмайди. Юртдошларимиз ва улар қаторида меҳмонлар орасида ҳам кўнгил ободлигини истаётганларнинг сони ортмоқда.

Ҳар кўнгилда минг эзгу ният

Албатта, ҳар бир инсон бир бора бўлса-да, оила аъзолари билан тарихий шаҳарларимизни зиёрат қилишни истади. Аммо бу ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Рўзгор, бола-чака ташвишларидан вақт орттири олмагани сабаб орзу-орзулигича қолиб кетаверади. Шуни ҳисобга олган ҳолда, қолаверса, Мустаҳкам оила йили муносабати билан қабул қилинган Давлат дастуридаги вазифаларни амалга оширишда кўмаклашиш ҳамда меҳнаткаш, айнакча ёшларни Ватанга муҳаббат, тарихий бой маданий меросимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида Тожкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан 6000 нафардан ортқ ка-

Ҳаётнинг боши — баҳор!

— Бухорога сафаримиз айнан баҳор фаслида амалга оширилганида ҳам кўп ҳикमत бор. Зеро, баҳор ҳаётнинг бошлигинидир, — дейди телебошловчи Дилноза Юсупова. — Мени кўҳна ва боқий Бухородаги ҳар бир обода ҳайратга солди. Минг бор эшитгандан бир бора кўриш афзаллигини шу ерда англадим. Кўнгилда логиканинги бошқа вилоятларига ҳам бориб, у ердаги тарихий обидалар билан танишиш истаги туғилди.

Ҳаётнинг боши — баҳор!

— Бухорога бундан 10 йил олдин келганим, — дейди Чилонзор туманидаги 114-мактаб раҳбари Мастура Қайюмова. — Ушанда муқаддас қадам-жолларнинг аксарияти ачинарли аҳволда эди. Бугун эса, қўриндики, қайтадан таъмирланган ҳақиқий зиёратгоҳга айланди. Бир жойни обод қилишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун катта маблағ керак. Эришайтган барча ютуқларимизни юртимизда иқтисодий ва маънавий соҳадаги ишларнинг баб-баравар олиб борилаётганининг меваси деб биламан. Узим географ бўлганим учун ўқувчилар билан саёхатга чиқишни яхши кўраман. Ёшлар эртаими эгалари бўлгани учун ўз ватани ҳақида яхшироқ билишлари керак. Утган йили 7-8 синф ўқувчиларини Сирдарё вилоя-

Осиё жавоҳири

— Дунёда 7 та шарифланган шаҳар бор бўлиб, шулардан бири Бухорои Шарифдир, — дейди Бухоро давлат музей-қўриқхонаси раҳбарини Нодира Амонова. — X аср Бухоро учун ренессанс, яъни юксалиш даври ҳисобланади. Бухоро санскрит тилида «янги шаҳар», «савдогар шаҳар» маъноларини аглади. Шунингдек, унга «томошабоп Бухоро», «донишманд Бухоро», «хушбах Бухоро», «аллома Бухоро», «назокатли Бухоро», «мовий Бухоро» таърифлари берилган. Биз эса уни «Осиёнинг жаҳоҳири» деб атаёмиз.

Сақкизинчи мўъжиза

Сомониёлар мақбарасини буюроликлар дунёнинг сақкизинчи мўъжизаси деб ҳисоблашди. Чунки, Сомониёлар мақбарасининг ички ва ташқи битчимлари мураккаб, лекин ўзаро уйғун. Яхлит ҳолда бениҳоя улғувор кўринади. Қадимий ривоятда айтилишича, мақбара девори пишиқ-муртаҳкам бўлсин учун унинг гишталари туя сутига қорилган лойдан тайёрланган экан. Энг сўнгги ҳижоатлардан биринчи эса италян неореализм макроти тилга олинди. Бухоро сафарига келган бадавлат америкалик сайёҳ мақбарани ўз юртига кўчириб кетиш, қайта тиклаш ва вафот этганида жасадини Исмоил шоҳ қабри ёнига кўйиш орузида эканини айтибди.

Азалдан оламда машҳур Бухоро, Ҳаммага маъқулу манзур Бухоро, Олдин гаваҳ бўлса, ҳурликда яшнаб бўлди дур, жаҳоҳири, турпур Бухоро!

— Бухоро вокзалига кирганимдаёқ бу ерда анча ўзгаришлар бўлганини сездим, — дейди «Тегитоп» илмий ишлаб чиқариш корхонаси бош хисобчиси Қодира Шомирзаева. — «Юрган дарё, ўтирган бўйра» деб шунга айтишса керак-да. Баҳоуддин Нақшбанд мажмуасига кирар эканман, бу ерда зиёратчиларнинг покляни олишлари учун яратилган шароитларни кўриб, қувондим. Албатта, зиёратнинг ўзига яраша одоблари бор. Инсон ҳам руҳан, ҳам жисман пок бўлса, унинг зиёрати ҳам мукаммал бўлади. Зиёратгоҳдан чиққач, ўзимни руҳан энгил ҳис қилдим.

— Бухорога биринчи бор келишим, — дейди яна бир зиёратчи «Асака банк» автотранспорт филиали мутахассиси Охиста Тошпўлатова. — Таасуротларим бир дунё. Айнакча, тарихий обидалар ҳақида маълумот бераётган мутахассис Нодира Амонованинг аждодларимиз ҳақидаги ибратли ҳикояларидан тўлқинланиб кетдим. Барибир жамоа билан зиёрат қилиш бошқача бўларкан. Агар бир ўзим

ЎЗБЕКИСТОН ҚИЗЛАРИ

Сурхон заминидан камолга етган Давлат Чориев, Абдулла Тангриев, Ўткир Қурбониев, Эрали Маҳмарасулов каби Алпомуш келбат полковлар нафақат юртимизда, балки жаҳон спорт саҳнасида ўз иқтидорларини намойиш этиб, ватанимиз шаънини улғулаб келишмоқда. Неча минг йиллик тарихга эга бўлган миллий курашимиз тилдан-тига, авлодан-авлодга ўтиб ривож топмоқда.

Қишлоқдан ЧЕМПИОН ЧИҚДИ

Бугун алп йигитларимиз қаторида Ойбарчиндек довлар, ва чагдаст қизларимиз ҳам жаҳон майдонида юрт шаънини ҳимоя қилишмоқда. Деновлик Шодия Товашарова ана шундай чемпион қизларимиздан. У эндигона 16 баҳорни қаршилайтир. Айни вақтда Денов туманидаги 4-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси. Алочки қиз спорт билан шуғулланишни ҳам қанда қилмай, бўш вақтини мактабда ташкил этилган «Барчиноллар» тўғарагида ўтказмоқда. Шодия миллий кураш билан бир қаторда самбо ва дзюдо бўйича машғулотларда ҳам фаол. У дастлаб мактаб, сўнгра туман биринчиликларида иштирок этиб голиб бўлганда, кўпчилик қатори ота-онаси ҳам қизларининг бу қадар малака ҳосил қилганидан ҳайратлангани рост. Шодия кураш бўйича 1996-

1997 йилларда туғилган болалар ўртасидаги «Махалламиз паҳлавонлари» республика турнирининг вилоят мусобақасида голиб чиқиб, республика биринчилигида 2-ўринни эгаллади. Бу ютқ спортчи қизнинг навбатдаги турнирларга катти ва астойдил тайёргарлик кўришга ундади. У мусобақадан галабасиз, совринсиз қайтмайдиган иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритди. Самбо федерациясининг Наврўз ва Мустақиллик байрамларида бағишланган биринчиликларида галаба нашидасини сурди. Шодия Термиз шаҳрида бўлиб ўтган Ал-Ҳажим ат-Термилий хотирага бағишланган миллий кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти



соврини учун аънавий X Ҳалқаро турнир ва VIII жаҳон чемпионатида эронлик, қозғик-тонлик, монголиялик қизлар билан кураш тушиб, муҳлислар олқишига сазовор бўлди. — Қарийб беш йилдики, «Хитоян» ва «Қизилгул» маҳалла фуқаролар йиғинларини спортчи қизлари республика мусобақаларида қатнашиб келаяпти. Самбо, дзюдо ҳамда кураш мусобақаларида Нарғиза Ёвқоқчиева, Шаҳноза Қаршиева каби ўнлаб қизларимиз орасида Шодия Товашарова алоҳида ажралаб туради, — дейди устоз Файзулла Алиқулов. Ҳа, тиниб-тинчимас Шодия Товашарова 1994-1996 йилларда туғилган ўсмирлар ва қизлар ўртасида дзюдо бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлиб, жаҳон ареналари томон яна бир дадил қадам ташлади. Рустам ДАВЛАТ, «Ishonch» мухбири

КҮРИК-ТАНЛОВ

Марғилон кумушлари

Мустаҳкам оила йилига бағишлаб «Марғилон кумушлари» қўриқ-танлови бўлиб ўтди.

Унда 5 нафар оқила, истеъдодли қиз ўз иқтидор ва салоҳиятини намойиш қилди. Айниқса, «Момонинг одатлари» шарт бўйича расм-русувлар аънаналар, аждодларимиз ўғитлари таъсири равишида намойиш этилди. Пазаданчилик шарт бўйича баҳорий салатлар тайёрланди. Тиббий билимлар шартида одам организмга баҳор фаслида микро ва макро элементлар, витаминлар зарур эканлиги тушунириб берилди. Қўриқ-танлов кўнига кўра 1-тиббийет коллежи ўқувчиси

Гулшано Абдурахимова «Марғилон кумуши» деб топилди. Голибларга коллеж раҳбарияти ва «Камолот» ЕИХ шаҳар кенгашининг фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари топширилди. Муҳаммадхон МАҲМУДОВ

«Respublika Mulk markazi» ЎАЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамасининг 20.11.2008 йилдаги № 604-Ф-сонли фармойишига мувофиқ, 73812-ҳарбий қисмининг 17.04.2012 йилдаги 41/8-2198-сонли хатига асосан, ҳарбий қисмга тегишли Тожкент вилояти Бекобод шаҳри, «Ўзметкомбинат» ОАЖ ҳудудида жойлашган 73812-ҳарбий қисмда сакланаётган «ГАЗ-66» русумли, 11 МХ 5214 бўлган, 1987 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси — 1 250 185 сум. Аукцион савдоси 2012 йил 24 май куни соат 10:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида широк эътиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш қилари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2012 йил 22 май куни соат 18:00. Ҳужумдаги автотранспорт воситалари 2012 йил 24 майдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, тақрибий аукцион савдоси 2012 йил 31 май ва 7 июн кунлари соат 10:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиласиз. Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2012 йил 31 майдаги тақрибий савдолар учун 2012 йил 29 май куни соат 18:00; 7 июндаги савдолар учун 5 июн куни соат 18:00. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувага асосан, мулк бошлангич баҳосининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини «Respublika Mulk markazi» ЎАЖнинг ОАИҚБ «Илпак йўли банки» Сағбон филиалидаги қўйидаги ҳисоб-рақамига тулашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. II. Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамасининг 20.11.2008 йилдаги № 604-Ф-сонли фармойишига мувофиқ, 73812-ҳарбий қисмининг 11.04.2012 йилдаги 41/11-1361-сонли хатига асосан, ҳарбий қисмга тегишли Тожкент вилояти

Оҳангарон шаҳри, Нуробод қўргони маънавийда сакланаётган қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. «ГАЗ-3307» русумли, 11 МХ 5184 бўлган, 1992 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 2 044 915 сум. 2. «ЗИЛ-131 МТО» русумли, 11 МХ 5182 бўлган, 1987 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 3 848 478 сум. Аукцион савдоси 2012 йил 24 май куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида широк эътиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш қилари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2012 йил 22 май куни соат 18:00. Ҳужумдаги автотранспорт воситалари 2012 йил 24 майдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, тақрибий аукцион савдоси 2012 йил 31 май ва 7 июн кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиласиз. Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2012 йил 31 майдаги тақрибий савдолар учун 2012 йил 29 май куни соат 18:00; 7 июндаги савдолар учун 5 июн куни соат 18:00. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувага асосан, мулк бошлангич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини «Respublika Mulk markazi» ЎАЖнинг ОАИҚБ «Илпак йўли банки» Сағбон филиалидаги қўйидаги ҳисоб-рақамига тулашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Савдо голиби деб топилган шахсга 10 иш қўни ичида сотуви билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилди. Аукцион савдолари ўтказиладиган маънази: Тожкент шаҳар, Олмазор туман, 1-Қорақамши кўчаси, 1-А-ўй. Тел: 228-79-52.

A vertical sidebar containing contact information and subscriptions. It starts with 'Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi', lists editors like 'Abduxoliq Abdurazzoqov', and provides phone numbers for 'Kasaba uyushmalari hayoti' (256-87-63) and 'Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy'. It also includes a barcode and a QR code at the bottom.